Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925 yildan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 16 aprel, seshanba
№ 47 (14538)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

У.А.Исроиловни Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Улуғбек Абдуқаюмович Исроилов Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2002 йил 15 апрель

ШУ КУННИНГ МАВЗУСИ

ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ БАХТ–САОДАТИ БИЗНИНГ ҲАМ БАХТ-САОДАТИМИЗДИР

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Аминбой Ҳамроевич ТАДЖИЕВ билан суҳбат

— Маълумки, кейинги йилларда республикамизда сув танқислиги рўй берди. Бунинг оқибатини айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларида яққолроқ кўриш мумкин. Аммо, сув қанчалик танқис бўлмасин, ер шўрланмасин, кишиларимизнинг сув ва ерга муносабатини қониқарли деб бўладими?

Сизнингча, биз кўпинча сувсизликдан айрим ўзимизнинг камчиликларимизни, лоқайдлигимизни хаспўшлайдиган баҳона тариқасида фойдаланиб қолмаяпмизми?

— Асло, йўқ. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар барча соҳалар сингари қишлоқ хўжалигида ҳам ерга, сувга бўлган муносабатни бутунлай ўзгартириб юборди. Деҳқонларимиз кейинги пайтда ернинг ҳақиқий эгаси бўлиш нима эканлигини тушуниб етди. Ердан самарали фойдаланишни, ишни оқилона ташкил қилишни ўрганди. Республикамиз деҳқонлари кейинги икки йил давомида сув танқислиги оқибатида бирмунча муаммоларга дуч келмоқдалар. Шунга қарамасдан уларда сувга бўлган эътибор кучайиб, ундан исроф қилмасдан оқилона фойдаланиш, ерга тўлақонли эгалик қилиш, ундан мўл ҳосил олишга интилиш туйғулари шаклланди. Деҳқонларимиз учун сув муаммосидан ташқари бошқа бир қатор муаммолар мавжуд. Алоҳида таъкидлаб ўтадиган бўлсак, техниканинг камчилиги, сифатли кимёвий ва минерал ўғит билан таъминлаш масалалари шулар жумласидандир. Албатта, бу муаммолар ҳам деҳқонларимизнинг ердан мўл ҳосил тўплашига ўз таъсирини ўтказмоқда. Лекин сув танқислиги, вегетация пайтида экинларга зарур сув миқдорининг етишмаслиги кўзланган мақсадларга эришишда салбий таъсир қилаётганини бугунги кундаги биринчи даражали муаммо, десак асло муболаға бўлмайди.

— Тарихдан маълумки, Қорақалпоғистон ҳудудларида илгарилари ҳам сув танқислиги ҳоллари рўй берган. Шунга қарамай, далаларда ўша кезларда ҳам юқори ҳосил олинганлигидан маълум. Биз суғорма деҳқончилик усулларидан қанчалик фойдалана билаяпмиз?

— Ҳа, саволингиз ҳақиқатан тўғри. Шу ҳудудларда илгарилари ҳам сув танқислиги йиллари бўлиб турганлиги тарихдан маълум. Бу масалалар шу пайтларда истиқомат қилган олимлар, шоирлар ижодларида кўрсатиб ўтилган. Буни биз, тан олишимиз ва аҳолининг ушбу ҳолатдан чиқиш йўлларини ўрганишимиз керак. Лекин у вақтлар билан ҳозирги кунни асло таққослаб бўлмайди. Нимагаки, биринчидан аҳоли сони у даврдагига нисбатан анча ошди, бу ўз навбатида сувдан фойдаланувчилар сонининг ошишига олиб келди. Иккинчидан, ҳозирги кунда фан-техника тараққиёти натижасида кўп ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонлари кенгайтирилди. Албатта, буларнинг барчаси ҳам сув миқдорининг камайишига таъсир кўрсатади. Шундай экан, юқорида таъкидлагандек сувдан оқилона фойдаланишга эътибор кучайтирилмоқда. Мавжуд сув заҳираларидан унумли фойдаланиш мақсадида деҳқонларимиз илгаригидек ерларни дамбалаб суғоришдан бутунлай воз кечиб, ерларни эгатлаб суғоришни ўзлаштирди. Бу ҳам сувни тежашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, деҳқонларимиз кам сув талаб қиладиган экинларни экишга аста-секин ўтяпти. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, кейинги юз йилдан ортиқ давр мобайнида бунақа сув танқислиги кузатилмаган, бу албатта катта вақт. Бу вақт ичида икки-уч деҳқон авлоди алмашган. Бу билан демоқчиманки, бу борадаги тажриба бироз бўлсада унутилган. Лекин деҳқонларимиз бундан заррача ҳам саросимага тушмасдан фаолиятларини давом эттиришмоқда. Ишонаманки, албатта бу меҳнатлар ўзининг ижобий самарасини беради.

— Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг қанча қисми суғорилади? Агарда тўлиқ суғоришни амалга оширмоқчи бўлсак, бунга қанча сув даркор бўлади?

— Қорақалпоғистонда асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли юз фоизи суғориладиган майдонларда етиштирилади, бу ишлар учун жами сув миқдорининг 90-95 фоизи фойдаланилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2002 йилнинг бошида 500 минг гектар суғориладиган ер майдони бўлиб, шундан 448,3 минг гектари ҳайдаб экиладиган ер майдонларидир. Мутахассисларимизнинг ҳисоб-китобларига кўра 2002 йил вегетация даври учун режа бўйича 4297,1 млн. м3 сув миқдори талаб этилади.

2001 йили Қорақалпоғистон бўйича вегетация даврида режа бўйича жами 7450,0 млн.м3 сув миқдори талаб этилган эди. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 417-сонли қарори бўйича шу даврга 5974 млн. м3 лимит кўрсатилганди. Амударёдаги сувнинг камлиги боис лимитлар қисқартирилиб, 4384,2 млн.м3 деб белгиланди. Аммо, парвариш даврида дарёдан 1853,2 млн.м3 ва қўшимча равишда коллекторлардан 22,0 млн.м3 сув олинди. Бу белгиланган лимитнинг 42,8 фоизини ташкил этди. 2001 йили 2000 йилга нисбатан 882 млн. м3 сув кам бўлган. 2001 йили амалда 502,5 минг гектар ер майдонлари суғорилди.

— Албатта, ҳаёт учун сув ва тупроқ қанчалик зарур бўлса уни мазмунли ҳамда қизиқарли қилувчи ёшлар масаласи ҳам асосий масалалардан бири бўлиб келган. Республика ёшларининг таянчи ва сунячига айланаётган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз олдига ана шу ғоятда муҳим бўлган вазифани қўйган. Бир сўз билан айтганда Ҳаракатнинг бугунги фаолияти сизда қониқиш ҳосил қиладими?

— Ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш ғоялари асосида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ намоён этиш учун шарт-шароит яратиб бериш, улар орасида маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш, уларнинг ҳақиқий танячи ва суянчи бўлиш учун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Шу кунгача Ҳаракатнинг 1533 та бошланғич ташкилоти тузилиб, унга 341947 нафар ёш йигит-қиз аъзо бўлган.

Ёшлар ҳаётига чуқурроқ кириб бориш мақсадида 4 та дастур, "Ёшлар ва бандлик", "Ёшлар ва тадбиркорлик", "Ёшлар ва экология", "Ёшлар орасида маънавий ишларни ривожлантириш" дастурлари ишлаб чиқилган. Бу дастурларга асосланиб Ҳаракатнинг шаҳар ва туман бўлимлари ташаббуси асосида ёшлар орасида маънавий ва маърифий ишларни ривожлантириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш мақсадида ҳам бир қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Айниқса, ёшларнинг саводхонлигини ошириш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масаласига диққат қаратилган. Ёшларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига жалб қилиш масаласи ҳам намунали йўлга қўйилиб, ҳозирги кунда «Камолот» ташаббуси билан республикамизда ёшлар истироҳат боғини ташкил қилиш бошлаб юборилди.

Эндигина ташкил қилинганига бир йил бўлаётган ташкилотнинг иш фаолиятига баҳо беришнинг ўзи мушкул. Лекин, Ҳаракат аъзоларида, раҳбариятида янгиликка интилиш кўзга ташланади.

Менимча, ҳозирги кунда ҳеч қандай масала "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси бўлими эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Улар ҳамма муҳим масалаларни ижобий ҳал қилишга ҳаракат қилишмоқда. Шунинг учун Ҳаракатнинг бугунги фаолиятини қониқарли деб ўйлайман.

— Назаримда, бугун ёшларни сувдан ва ердан оқилона фойдаланишга ўргатиш албатта, эртанги кун учун катта самара беради. Шу маънода бугун республикада қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Ёшларимизнинг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади, уларнинг ҳозирги пайтда ерга ва сувга бўлган муносабатлари анча ўзгарган, сувни исроф қилмаслик ва ундан оқилона фойдаланишни анча ўзлаштиришган. Ҳозир қишлоқда истиқомат қилаётган ёшларимиз орасида ер олиб, деҳқон-фермер хўжалигини тузиб иш юритаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Демак, уларнинг ерга меҳр-муҳаббати уйғонган, ерга ишлов берса оиласи фаровон бўлади, даромади ҳам бирмунча яхшиланади. Буни ёшларимиз яхши тушуниб олди. Энди, уларни сувдан, ердан самарали ва унумли фойдаланишга ўргатиш борасида ишлар қилинмоқда. Бу борада телевидение, оммавий ахборот воситалари орқали олимларимизнинг, тажрибали деҳқонларимизнинг чиқишларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини ёритиш ишлари йўлга қўйилган. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Нукус филиали билан биргаликда сувдан оқилона фойдаланиш масаласига қаратилган танловлар ташкил қилинган ва ҳакозо.

Юқоридаги саволингизга бир қўшимча, бу масалага "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини жалб этиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

— Сиз раҳбар бўлиш билан бирга, оилада фарзандларингизнинг севимли отасидек масъулиятли вазифа ҳам зиммангизда. Шундай экан, ёшлар таълим-тарбиясидаги энг заиф нуқталар нималардан иборат деб ўйлайсиз? Бундан ўн йил олдинги ёшлар билан ҳозирги ёшларнинг ютуқ ва камчиликлари нимада?

— Тўғри, ҳар бир раҳбар биринчи навбатда оила раҳбари ҳисобланади. Шундай экан, унга фарзандларининг тарбияси билан шуғулланишдек масъулиятли вазифа юкланган. Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади" деган доно гап бор. Бу гаплар бежиз айтилмаган, сабаби ҳар қандай таълим-тарбия оиладан бошланишига эътироз йўқ. Мен ҳам раҳбар ходим сифатида ёшларимизнинг билимли, кучли, иродали, ватанпарвар инсонлар бўлишини истайман ва бу борада қўлимдан келган барча чораларни амалга оширишга интиламан. Шунинг билан бир қаторда ўз фарзандларимнинг тарбиясига ҳам катта эътибор қаратаман. Жойларда бўлганимда ёшлар билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг ҳаётга қарашларини, муаммоларини тинглаб, ўз маслаҳатларимни бераман.

Бундан ўн йил олдинги ёшлар билан ҳозирги ёшларни таққослаб бўлмайди, сабаби ҳозирги мустақиллик йилларида тарбияланаётган ёшларга катта имкониятлар яратилган. Мактабларда, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида таълимнинг энг замонавий усулларидан фойдаланилмоқда, бундан ташқари ёшларимиз интернет орқали фан ва техниканинг жаҳондаги энг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлмоқдалар.

Ҳозирги ёшларга яратилган шароитлар ҳар кимда ҳам фахр ҳиссини уйғотиши шубҳасиз. Бизнинг ўн йил аввалги ёшларимиз чет давлатларда ўқишни, ривожланган давлатларнинг илғор корхоналарида, ташкилотларида ўз касб малакасини оширишни фақат орзу қилиши мумкин эди, холос.

Ҳозирги ёшларнинг таълим-тарбиясидаги энг заиф нуқталарга келсак, кўп нарса уларнинг ўзларига боғлиқ. Тўғри, айрим ёшларимиз енгил-елпи ҳаёт кечиришни, меҳнатсиз роҳатни яхши кўради. Бундай ёшлар, афсуски, бор. Бу ёшларимизда олға интилиш туйғуси, ватанпарварлик хиссиётлари кам. Уларнинг онгида шу туйғуларни шакллантириш бизнинг вазифамиздир. Шундай экан бу ишларни узлуксиз давом эттиришимиз керак, шундагина биз эртанги келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини қура оламиз.

— Сувни тежаш ва ер шўрланишининг олдини олиш ҳамда муаммони бартараф этишга тавсияларингиз, таклифларингиз, фикр-мулоҳазаларингиз?

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида ҳар бир канал ва хўжалик чегарасига етказиб бериладиган сув миқдорининг ҳисоб-китобини йўлга қўйишдир. Бизнинг шароитимизда экин турларидан пахта ва бошқа экинлар ер устидан суғориш турига асосланиб, эгатлаб суғоришга мослашган, бундай суғориш техникаси элементлари бир бирига энг яқин равишда мослашса сувни оз миқдорда сарфлаш имкониятига эга бўлади. Шунга боғлиқ равишда экинларни суғоришга сув миқдори оз берилганлиги туфайли шўрланишнинг ҳам олди олинган бўлади. Ҳозирги даврда мавжуд бўлган магистрал, хўжаликлараро ва хўжалик ички суғориш тармоқларининг асосий қисми ердан ўтади. Шунинг оқибатида каналлардаги сув миқдорлари инфильтрация бўлиб, ер шимиб кетади. Агар шу каналлар бетонланиб, хўжалик ички сув тармоқлари латоклар билан жиҳозланиб чиқилса, бир қанча сув миқдори тежаб қолинади.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ
суҳбатлашди

ЗУЛФИЯ ҚИЗЛАРИ

МЎЪТАБАРНИНГ МИНИАТЮРА ОЛАМИ



Мўътабар РЎЗМАТОВА — Ҳазорасп педагогика коллежи талабаси. Болаликданоқ санъатга ошуфта. Бобоси — рассом Бахтиёр Рўзиматовнинг ижоди унинг ранг тасвир оламига иштиёқини уйғотди. Лекин у айнан бобосининг услубини такрорламади. Изланди, тиришди, қанчалик мураккаб бўлмасин, миниатюра санъати билан шуғуллана бошлади.

Мана шу соҳани юксак чўққига олиб чиқиш, Хоразм миниатюрачилигини шакллантиришни ният қилди.

Ўн беш баҳорни қаршилаган мусаввира қиз томошақовоқ ва сопол идишларга туркум суратлар чизади. Айниқса, унинг мумтоз асарлар мавзуини акс эттирувчи асарлари кишини ҳайратлантиради. "Сабъаи сайёр", "Гулдурсун", "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" каби достонлар сюжетларини акс эттирган асарлари теран маъно ва фалсафа билан йўғрилганини кўришимиз мумкин.

Мўътабар нафақат республикамизда, балки халқаро кўрик танловларда ўз ижоди билан қатнашиб, фахрли ўринларни забт этди. Унинг улкан муваффақиятларидан яна бири шу бўлдики, яқинда ёш мусаввира Зулфия номидаги Давлат мукофти билан тақдирланди.

— Албатта, бу мукофот менинг зиммамга янада улкан масъулият юклайди, — дейди Мўътабар бир олам ифтихор билан. — Аждодлар анъаналарини давом эттириш, ўтмиш манзараларини бугуннинг мавзуи билан уйғунлаштирган ҳолда ўз йўналишимни шакллантиришим зарур.

Дарвоқе, санъатнинг ранг-тасвир йўналишининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, ҳар бир асар, ҳар бир суврат миллат ва мамлакатнинг умумий хусусиятини жаҳонга танитишга восита бўлаолади. Буни ҳис қилаётган Мўътабар бугунги Ўзбекистон манзараларини миниатюра жанридаги туркум асарларида акс эттиряпти.

Эрпўлат БАХТ

ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

Қибрай юртимиздаги ўзига хос сўлим табиати, қувноқ ва танти кишилари ва иқтисодий салоҳиятга эга туманлардан биридир. Яқинда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти ҳамда Қибрай тумани Кенгашлари ҳамкорликда ёшларни янада баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлаш, Ҳаракат ҳомийлигидаги Болалар ташкилоти фаолиятини жонлантириш мақсадида республикамизда нашр этилаётган "Тонг юлдузи", "Ғунча", "Гулхан", "Синфдош", "Turkiston" нашрларидан ташриф буюрган ижодкорлар ва ёш муштарийлар ўртасида қизғин мулоқот бўлиб ўтди. Туман мактаб ўқувчилари ижросидаги куй-қўшиқлар, ёш спортчиларнинг чиқишлари ва гиёҳвандлик, ҳарбий хизматга чақирувдаги баъзи иллатларни ўзида акс эттирган саҳна кўринишлари учрашувга ўзига хос руҳ бағишлади.

Кези келганда айтиш жоиз, бундай болалар тадбирларида катта ёшдаги санъаткорларнинг "ўлдим-куйдим" қўшиқлари эмас, уларнинг ёши, табиатига мос куй-қўшиқлар ижро этилиши учун танловлар эълон қилиниб, шоир-бастакорларимиз томонидан болаларбоп асарлар яратилса, бунинг маънавий-тарбиявий самараси яна ҳам салмоқли бўлар эди. Анжуман ишида Ҳаракатнинг Тошкент вилояти Кенгаши раис ўринбосари Муяссар Жамолиддинова ва Қибрай туман Кенгаши раиси Дониёр Зокировлар иштирок этишди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ

* * *

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бухоро вилояти Кенгаши шаҳар, туман ҳамда касб ҳунар коллежлари етакчилари иштирокида ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ўқув семинари бўлиб ўтди.

Ҳаракатнинг вилоят Кенгаши раиси С. Шаропов бошқарган семинарда шаҳар, туман ва билим юртларидаги Ҳаракат фаолиятининг аҳволи, уларнинг муаммолари, бу борада йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар кўриб чиқилди. Йиғилганларнинг фикр-мулоҳазалари, талаб ва таклифлари тингланди. Йиғинда кўпгина мактаб ўқувчилари Ҳаракат тўғрисида маълумотга эга эмаслиги маълум бўлди. Шу боис ҳам "Камолот" кунлари"дан ташқари умумтаълим мактабларида ўтказиладиган "Мактаблар куни"да ҳам етакчиларнинг доимий иштирокини таъминлаш асосий, бажарилиши керак бўлган вазифалар қаторига киритилди. Бошланғич ташкилотнинг баъзи туман бўлимларида ташкилий ишлар суст даражада олиб борилаётганлиги, хато ва камчиликлар танқид қилиниб, шу ўринда Ғиждувон, Жондор туманларидаги бошланғич ташкилот фаолияти уларга ўрнак қилиб кўрсатилди.

Семинарда етакчиларга керакли йўриқномалар, тавсия ва топшириқлар берилди. Етакчилар Бухоро енгил саноат касб-ҳунар коллежи ҳамда коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи иш фаолияти билан танишиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Ш. АСЛОНОВ

ДЎРМОНДА СУМАЛАК МУШОИРАСИ

ёки эртанги кунидан хотиржам элнинг ҳар куни байрам

Аслида, баҳор боғларда, дала-ю қирларда бошланиб, сўнг кишилар қалбига кўчади. Бироқ баҳор қайси бир соҳа вакилларида тезроқ ва узоқроқ таъсирини сақлаб қолиши "баҳсталаб" мавзулар сирасига киради.

Кимга қанақалигини аниқ билмадигу, аммо баҳор шоиру ёзувчилар, ижодкорларга ўзгача таъсир қилиши бор гап. Сабаби, бу фасл назокат-ю, нафосати ила ижодкорларимизга, бетакрор илҳом онларини бахш этиб, ўлмас асарлар дунёга келишига замин ҳозирлайди. Шу маънода оладиган бўлсак, Наврўз байрами тантанаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ҳар йили ўзгача нишонланади. Бу йил ҳам кутилганидек, байрам зўр шоду-хуррамлик билан ўтказилди. Ёши-улуғ ёзувчиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бир қанча ёш истеъдодли ижодкорлар ёзувчилар уюшмасига қабул қилинди. Ўзбекистонда Хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Намозовнинг куй-қўшиқлари ҳамоҳанглигида, дастурхонга тортилган кўклам таомлари, баҳор ҳақидаги янги шеърлар жозибаси йиғилганлар қалбида узоқ узоқларгача сақланадиган бўлди.

Байрамнинг иккинчи қисми "Дўрмон" боғларига кўчди. У ерда ёш ижодкорлар ва боғ маъмурияти биргаликда баҳорнинг тансиқ таоми Сумалак тайёрлади. Табиийки, Сумалак баҳона бошланган тадбир шеърхонлик куй-қўшиқ кечасига айланиб кетди.

Айниқса, унда Ўзбекистон қаҳрамони, Халқ шоири ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Ориповнинг иштироки йиғилганларга алоҳида завқ бағишлади. Шоирлар Кўчқор Норқобил, Ислом Ҳамро ва Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Олий адабиёт курси тингловчиларининг баҳор ҳақидаги янги туркум шеърлари ўқилганда ўчоққа ўт қалаётган "Дўрмон" боғининг боғбонлари Намоз бобо-ю, Тожи боболар ҳам баҳор ҳақидаги аждодларимиздан бизга етиб келаётган халқ қўшиқларини айтиб юборди.

Шунингдек, Сумалак мушоирасида "Turkiston"нинг ёш ижодкорлари Хуршид Рўзиев ҳамда Ойдиннисо Йўлдошевалар ҳам иштирок этиб, ўзларининг ва таҳририятга мактуб орқали келган тенгдошларининг шеърларини ўқиб, байрам иштирокчиларида зўр қизиқиш уйғотди. Тонгга қадар давом этган мушоира Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Эрқулованинг қалбларни титратувчи оҳангларига уйғунлашиб кетди.

Хулоса қилиб айтганда, бундай байрамларнинг кенгроқ тарзда нишонланиши, бу хотиржамлигимиз далолатидир.

Зеро, юрти тинч, мамлакати обод элнинг ҳар куни байрам.

Шавкат АБДУХОЛИК

XXI аср — ёшлар асри

Сирожиддин УСМОНОВ,
Тошкент Давлат маданият институти талабаси

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Барнохон АБДУЛЛАЕВА,
Эллиққалъа тумани

Янги Дунё — ёшлар дунёси

«Turkiston»га обуна бўлинг! Нашр индекси — 203

«Обуна давом этади» танловида қатнашишни истаган ёшлар «Turkiston»га обуна бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома нусхаси ҳамда ўз фотосуратларини жўнатишларини сўраймиз.

NAVQIRON AVLOD

Ватанпарварлик ўз ўлкасини ўрганишдан бошланади

ИҚТИДОР ЮРТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Бухорода экология ва ўлкашунослик йўналишида бўлиб ўтган иқтидорли болаларнинг вилоят анжумани ҳақида вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги "Маънавият ва қўшимча таълим" маркази директори Мавжуда Жамолова ҳикоя қилади.

— Иқтидор жуда кенг тушунча. Лекин биз кўпинча барча фанлардан "аъло" баҳоларга ўқийдиган болаларни "иқтидорли" дейишга одатланиб қолганмиз. Фанларга унча уқуви бўлмаган, лекин, айтайлик, ўз қўли билан ганч ёки ёғоч ўймакорлигининг гўзал намуналарини яратадиган ўсмир иқтидорли эмасми?

Шуниси қувонарлики, анжуманнинг саккизта шўъбасида ҳам кўрилган ижодий ишларнинг муҳокамаси узоқ ва мунозарали тарзда давом этди. Бу ҳар бир иқтидорли ўқувчининг маърузасига жиддий эътибор билан қаралганлигини кўрсатади. Вилоятнинг деярли барча туманларидан келган 84 нафар ёш табиатшунос ва ўлкашунослар "Экология ва инсон саломатлиги", "Агроэкология ва агробизнес", "Табиатни муҳофаза қилиш", "Сув ва ундан фойдаланиш", "Тарихий ўлкашунослик", "Жўғрофий ўлкашунослик", "Адабий ўлкашунослик" ва "Санъат ўлкашунослиги" шўъбаларида ўз маърузалари ва амалий ишлари билан қатнашдилар.

Ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида бу йилги анжуман иштирокчиларининг ватанпарварлик руҳияти, қуйинчаклиги, эртанги кун учун қайғуриш ҳисси менга жуда маъқул бўлди. Масалан, экология мавзуидаги рефератларда Бухородаги қадимий Шоҳруд ариғини тиклаш, Қоракўлдаги тўқайзорни сақлаб қолиш муаммолари ёки ўлкашунослик мавзуидаги ишларда кўплаб тарихий номлар (топонимлар) тадқиқ этилганки, уларни бемалол кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш мумкин.

Хуллас, қизғин муҳокамалардан сўнг ҳакамлар ҳайъати юқорида саналган саккиз йўналиш бўйича анжуманнинг энг сара ишларини аниқлади. Бухоро туманидаги 16-мактаб ўқувчиси Н. Мухторова, Тўқимачилик туманидаги 17-мактаб ўқувчилари Б. Эргашев, И. Ҳамроевлар, Бухоро туманидаги 39-мактаб ўқувчиси М. Фозилов, Ғиждувон туманидаги 59-мактаб ўқувчиси С. Шукуров, Вобкент туманидаги 9-мактаб ўқувчиси М. Набиев, Файзулла Хўжаев туманидаги 13-мактаб ўқувчиси З. Бадалбоева, Вобкент туманидаги 2-мактаб ўқувчиси Н.Асадовалар танлов ғолиблари сифатида Тошкентда бўлиб ўтадиган экология ва ўлкашунослик йўналишлари бўйича иқтидорли ўқувчиларнинг республика анжуманида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

«Turkiston» мухбири Саидбурҳон ҚОДИРОВ ёзиб олди



Тиббиётни ислоҳ қилиш аввало тиббий таълим муассасаларида кенг ва чуқур таълим- тарбия беришдан бошланади. Чунки замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига "жон ато" этадиган ҳам бўлажак мутахассислар саналади.

Чирчиқ тиббиёт билим юртида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга ошириляпти. Учта мутахассислик бўйича 1200 нафар талаба таҳсил олмоқда.



Суратларда: Билим юрти ҳаётидан лавҳалар

А. АКРОМОВ олган суратлар

ЮҚСАЛИШ ЙЎЛИДА

— Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби Президентимизнинг "Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида"ги Фармонига биноан "Тошкент хореография билим юрти" негизида ташкил этилганига унчалик узоқ вақт бўлгани йўқ. Аммо, амалга оширилган ўзгаришлар кўринарли дейиш мумкин. Мактабимиз нафақат республикамизда, балки Осиё минтақасидаги хореография санъати бўйича малакали кадрлар тайёрлайдиган ягона нуфузли даргоҳ ҳисобланади, — дейди ректор вазифасини бажарувчи Маҳмуд Очилов. — Ўқувчиларнинг таълим йўналишидан келиб чиқиб ўқишни давом эттиришлари учун кенг имкониятлар яратяпмиз. Мавжуд бакалаврлик йўналиши ҳамда магистратура мутахассисликлари сақланган ҳолда ўқув режасига ўзгартиришлар киритилди.

— Моддий-техника базани мустаҳкамлаш борасида қандай тадбирлар ишлаб чиқилган?

— Тизимни малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш масаласи ҳал этилган. Ушбу мактабда таълим бериш услубиятининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда назарий ва амалий соҳалар бир-бирига уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилади. Шу хусусиятларига кўра профессор-ўқитувчиларнинг умумий таркибини ижрочилик мутахассисликлари бўйича Ўзбекистон халқ артисти, хизмат кўрсатган санъат арбоби, хизмат кўрсатган артист, хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонларига эга бўлган санъаткорлар ташкил этади.

Талабалар сафидан бўлажак ўқитувчилар тайёрлаш масалаларига катта эътибор берилаяпти.

Хореография санъатига оид чет эл ўқув адабиётлари, хорижий манбалардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда. Қувонарлиси, "Интернет" тармоғига уландик, "Электрон почта" ҳам ўрнатилган.

—Талабаларнинг халқаро танловларда эришаётган ютуқлари кўпчиликни қизиқтиради. Шу хусусда ҳам тўхталсангиз?

— Жорий йилнинг март ойида талабаларимиздан Мадина Ниёзова ва Нуржан Кулибаевлар Киев шаҳрида ўтказилган "Балет ёшлиги — 2002" халқаро фестивалида қатнашиб, совриндор бўлишди. Бундан ташқари, Жанубий Кореядан, Туркиядан келган талабалар мактабимизда таҳсил олишмоқда. Яқинда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида ушбу давлатлардан делегация ташриф буюрди.

Жаҳоннинг АҚШ, Германия, Италия, Корея, Япония, Россия сингари мамлакатлари саҳнасида мумтоз рақс жозибаларини намойиш қилаётган ва шу санъат сирларидан сабоқ бераётган собиқ талабаларимиз ўқув юртимизнинг тараққиёт даражасини белгилайди, деб ўйлайман.

Тўрабек ФАЙЗИЕВ Суҳбатлашди

«AMOLOT» hududi

КЕЛАЖАК ЁШЛАР ҚЎЛИДА

"Камолот"нинг ижтимоий ҳаракат мақомини олиши ушбу ташкилот фаолиятига ижобий таъсир этди. Буни жамоамиз олиб бораётган ишларда ҳам сезиш мумкин. Аввало ёшлар билан бевосита алоқа боғлашга имкон яратилди. Ўтган йил мобайнида "Хайр мактаб, ассалом мустақил ҳаёт", "Ўз-уйингни ўзинг асра", "Ватан ягонадир — Ватан биттадир", "Гиёҳвандлик — аср вабоси" каби тадбирларнинг барчаси тумандаги маҳаллалар, мактаблар, коллежларда ўтказилди. Албатта, ҳар қандай юмуш ҳамкорликда осон ҳал бўлади. Ҳаракатимизнинг туман Халқ таълими, Маданият, Ички ишлар бўлимлари, Соғлом авлод ҳайрия жамғармаси, Оқсоқоллар кенгаши сингари содиқ ҳамкорлари бор. "Маънавият ва маърифат" маркази туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, қолаверса, туман Жоме масжиди ходимлари ҳам қараб турганлари йўқ. Бу жонкуярлар биз билан ҳамқадамдирлар.

"Камолот"чилар туманимиз спорти ривожининг фаол иштирокчилари сифатида танилишган. Футбол, кураш, бокс, каратэ, қўйингки, ҳеч бир спортга оид тадбир улар иштирокисиз ўтмайди, десам муболаға бўлмас.

Ёшларнинг турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги, турмушимиз тинчлигини асраш шу куннинг энг долзарб масалаларидандир. Шу боис "Камолот"чилар ҳамда бошланғич ташкилотларимиз бу борада мунтазам иш олиб боришяпти. Бунда бошланғич ташкилотлар котиблари билан доимий олиб бориладиган семинар кенгашлар катта самара беряпти. Ушбу семинарга таклиф этилаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда диний муассасалар ходимлари кенг қамровли тарбиявий аҳамиятга молик маърузалар қилишаяпти.

Албатта, ишимизда ҳали камчиликлар етарли. Энг асосийси ёшларнинг ҳақиқий таянчи ва суянчига айланишга ҳаракат қилаяпмиз.Барча ишларимиз, шу мақсадга қаратилган. Ҳаракатнинг доимо ҳаракатда, изланишда бўлишини эса келажак талаб этмоқда.

А.ДАВРОНОВ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ангор тумани Кенгаши раиси

«МУРУВВАТ» ВОДИЙ БЎЙЛАБ

Поп тумани Гулистон қишлоғида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Мавлонжон Тўраев ногиронларни қўллаб қувватлаш "Мурувват" марказини ташкил этди.

"Каунтерпарт консорциум" халқаро фондининг Наманган вилояти бўлими марказга ўзининг беминнат ёрдамларини бера бошлади. Бундан ташқари улар "Мурувват"га ҳамкорлар топишмоқда ҳамда марказнинг ишини ривожлантиришда йўналишлар, тавсиялар бериб, тренинглар ўтказяпти.

- Мақсадимиз нафақат вилоятнинг, балки водийнинг бошқа вилоятларидаги истеъдодли ногиронларни топиб, уларнинг истеъдодларини ривожлантиришда ёрдам беришдир, - деди марказ раҳбари Мавлонжон Тўраев "Туркистон-пресс" мухбирига.- Ҳозиргача 12 нафар ногиронни тўплаб кўчма мусиқали театр студиясини ташкил қилдик ва 21 кун давомида Андижон вилояти бўйлаб дастлабки сафаримизни ўтказдик.

Марказ раҳбарининг таъкидлашича, театр спектаклларини Андижон давлат тиллар педагогика институти, Андижон тиббиёт коллежи, Бобур номидаги Андижон давлат университети, вилоят маънавият ва маърифат Кенгаши, "Тадбиркор аёл" уюшмасининг вилоят бўлими ҳамда бошқа 20дан ортиқ нодавлат ташкилотларида намойиш этилди.

«Туркистон-пресс»

БАРҲАЁТ СИЙМО

Тошкент Давлат маданият институтида улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг хотира кечаси бўлиб ўтди. Кечани институт ректори Азиз Тўраев олиб борди.

Кечада Ўзбекистон Халқ шоири Шукрулло, филология фанлари докторлари, профессорлар Наим Каримов ва Ҳамидулла Акбаров, профессор Собир Мирвалиев адиб ҳаёти, ижоди, асарларининг экран ва саҳна талқинлари хусусида мулоҳазалар билдирди.

Институт талабалари бетимсол адиб асарларидан саҳна кўринишлари намойиш этишди. Ижодкор талабалар буюк ёзувчига бағишланган ўз шеърларидан ўқиб беришди.

Суннат БОЙТУРДИЕВ талаба

Ҳурматли муштарийлар!

Сизга маълумки, Орол денгизини қутқариш масаласи бугунги кунда умуминсоний муаммога айланган. Мазкур муаммонинг ҳозирги ҳолати барчани ташвишлантирмоқда. Ана шу мавзуга бағишланган мақолалар мунтазам равишда чоп этиб келинмоқда. Сиз газетамиз саҳифаларида ўзингиз ўқиган мақола хусусидаги фикрингизни қуйидаги сўровнома орқали билдириб, таҳририятга юборишингизни сўраймиз.

Оролни қутқариш халқаро фонди GEF Агентлиги В Компоненти Узбекистон миллий ишчи гурухи

1. Сиз Глобал Экологик Фонд (GEF) хусусида маълумотларга эгамисиз?
А) Ҳа.
Б) Йўқ.

2. Сиз Орол денгизини қутқариш Халқаро Фонди фаолияти тўғрисида қай даражада хабардорсиз?
А) Яхши хабардорман;
Б) Эшитганман;
В) Хабардор эмасман.

3. Орол денгизи муаммоларига бағишланган ва Сизда қизиқиш уйғотган мақоланинг номини ёзсангиз (рўзнома чиккан ой, кун)

4. Мақоланинг мухимлиги ва таъсирчанлиги кандай? (тагига чизинг)
А) юқори;
Б) ўрта;
В) зерикарли.

5. Ўзингизга ёккан мақолани бошқаларга ҳам ўқиш учун тавсия этдингизми?
А) Ҳа.
Б) Йўқ.

6. Газетамизда чоп этилаётган Орол муаммосига бағишланган мақола ва чиқишлар сонини етарли деб ҳисоблайсизми?
А) етарли деб ҳисоблайман.
Б) етарли эмас деб ҳисоблайман.

7. Сиз мазкур муаммо юзасидан яна қандай мақола ва чиқишларга ўрин беришимизни хохлайсиз?

Холис жавобларингиз учун раҳмат!

SAN'AT OLAMIDA

Кўза қўлдан тушиб чил-чил бўлиши

ИБРАТЛИ УМР САҲИФАЛАРИ

(«Инсонни енгиб бўлмайди» ҳужжатли фильми ҳақида)

Куни кеча атоқли адибимиз Саид Аҳмаднинг ҳаёти ва жўшқин фаолиятига бағишланган хужжатли фильмни томоша қилдик. Бу фильмнинг сценарий муаллифи Тоир Юнус, режиссёри Э.Хачатуровга адибнинг порлоқ ижоди илҳом бергани кўриниб турибди.

Фильмда репортаж йўли билан олинган ҳаётий кадрларни кўриб, адибни катта-кичик билиши, ардоқлашидан хурсанд бўламиз. Эски кино ва телехроника кадрлари наср устасининг ёшлик чоғлари билан бизни ошно этади. Ниҳоят, куни кеча олинган кадрларни завқ билан кўрамиз. Адиб Дўрмондаги уйи, ижодхонасида катта режалар билан яшаётганидан воқиф бўламиз. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, дам эски хроникадан шу кун кадрларига қайтиш (бундай усул бир неча бор қайтарилади) томошабинни бироз чалғитгандек бўлади. Лекин у аста-секин бундай композицион қурилишни қабул эта бошлайди. Зеро, мазкур кадрлар бир-бири билан уланиб, бири иккинчиси билан тўқнашиб, яхлит тўқимани ташкил этади. Саид Аҳмаднинг йигитлик чоғида ҳибс қилинишини фильм ижодкорлари сўзсиз, фақат тасвир орқали ифодалаб берганлар. Аввал томошабиннинг диққати Саид Аҳмад портретига ҳамда ўчай-ўчай деб турган шамчироққа қаратилади. Қоронғи кўча бўйлаб кимлардир шаҳдам қадам ташлаб боради. Улар бир хонадонга рўбарў келиб, эшик қоқадилар. Уларнинг важоҳати бузуқ. Ичкаридан чиқаётган одам бир зумда маҳбусга айланади. Кўза қўлдан тушиб чил-чил бўлиши, пўлат панжара ортидаги адибнинг портрети, зўр базўр ёниб турган лампали чироқнинг кўриниши эпизодга якун ясайди. Бу кадрларда намоён бўладиган тасвир, драматик кучга эга бўлган мусиқа ахборот берибгина қолмайди, ҳаяжон, фикр уйғотади. Афсуски, айрим ўринларда маъжозий ифода ҳамда тасвирий воситаларнинг куч-қудрати ҳисобга олинмагани кўзга ташланади. Масалан, асарнинг сермазмун эпизодларидан бирида ардоғимиздаги Саид Аҳмадни ёзув машинкаси олдида, навбатдаги жумлани тузатаётганида, бой сўз хазинасидаги дурдоналарни излаётганида кўрамиз. Машаққатли, айни бир вақтда завқли ижод жараёнини кузатиб борамиз. Ижод нашидаларига тўлиб тошган дамларда адиб тасаввурида ноҳуш воқеалар, фожеалар ҳам рўйи-рост гавдаланса керак-да. Бу мураккаб ҳолат кинопортретда ўз ифодасини топган: қалам, ёзув машинкаси бирдан четда қолади. Қалам тебратиш, сўз излашга ўрганиб қолган меҳнаткаш бармоқлар бу гал парда бўлиб адибнинг чеҳрасини беркитади. Бу сермазмун кадрлар яна бир неча бор қайтарилади. Шунда бизда ҳаяжон кучаяди, олам-олам фикр уйғонади. Режиссёр шундай таъсирчан кадрларни сўз билан изоҳлаб беришга қарор қилгани сабабларига тушуниб бўлмайди. Зеро, бу эпизод тасвир, монтаж нуқтаи назардан юксак даражада бўлиб, сухандон изоҳига мухтож эмас эди. Севикли ёри, рафиқасини эслаётган ёзувчининг юзида ҳам севинч, ҳам қайғу ифодасини кўрдим. Бу тасвирларга ёқимли халқ куйи жўр бўлади. Сўнгра Саида опани эслаганлар билан Саид Аҳмад акани севиб, эъзозлаб келаётганларнинг гурунгини кўрамиз, юзларида табассум, дилларида айтилмаган меҳрли сўзлар. Мароқли дамларни эслаётганлар учрашувида бўламиз. Куй эса маъюс кайфият уйғотади. Экранда адиблар Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, олим Омонулла Мадаевларни кўрганимизда эса улар фильм қаҳрамони майдонида турганида юзида қайғу ифодасини ҳамда ижодга ташналигини кўриб, Саид Аҳмаддек забардаст сўз санъаткорининг экрандаги умри ҳам узоқ давом этажагига ишондик. Ниҳоят яна бир эпизодда азоб-уқубатларни енгиб ижод этаётган, фуқоралик бурчини бажараётган адиб ҳаётидан мамнун бўлиб "мен бахтлиман" деганида фильмга якун ясагандек бўлдик.

АРХИВДАН

Яна бир мулоҳаза, фильмда маюслик, қайғу оҳанглари сезилиб туради. Аслида Саид Аҳмад ҳажвга усталигини, кулгуга, ҳикояга бой миниатюралар муаллифи эканлигини, гапга чечанлигини, ҳазил-мутойибага ўчлигини, "Келинлар кўзғолони" ва "Куёв" каби асарлар яратганини биламиз. Бинобарин, унга бағишланган асарда ҳам кўтаринки руҳ, сўз ўйинлари, тетик кайфият уйғотадиган кадрлар мўл бўлишини истар эдик.

Гулбаҳор АЗИМОВА, Ўзбекистон Миллий университети талабаси

ЛОТИН АМЕРИКАСИ

Венесуэланинг қонуний президенти Уго Чавес президент саройига қайтиб келди. Бугунгача уни исёнчилар Ла Осчила оролидаги ҳарбий базада ҳибсда ушлаб туришганди. Венесуэла конституциясига содиқ қолган ҳарбий десантчилар уни қамоқдан озод этишди. Пойтахтга қайтгач, бир соат ўтиб Уго Чавес миллий телевидениеда чиқиш қилиб, халққа мурожаат қилди ва ўз ўрнига қайтганини эълон қилди. Якшанба куни кечаси пойтахт кўчаларига минглаб президент тарафдорлари намойишга чиқишди. Президент армияси "Мирафлорес" саройини, парламент биносини ва марказий телевидениени ишғол этишди.

Венесуэлада бўлиб ўтган бу ҳаракатини дунёнинг ҳеч бир мамлакати қўллаб-қувватламади. Аргентина ва Бразилия эса бу давлат тўнтаришини қаттиқ қоралашди. Исёнчи Педро Кармона эса ўз тарафдорлари билан қамоққа олинган.

ЧЕЧЕНИСТОН

Ножай Юртв туманида жойлашган ноқонуний қуролланган ҳарбийлар базаси ҳукумат федерал кучлари томонидан яксон қилинди. Бу базада 70-80 кишига мўлжалланган қурол-яроғ ва озиқ-овқатлар бор эди. Иккита қўлбола миномёт, 5000 та патрон, ҳарбийларнинг аудио ва видеокассеталарга ёзилган тарғибот материаллари мусодара этилди.

ИСРОИЛ

Исроил солдатлари Ғазо секторидаги Кфар-Даром қишлоғига киришга уринган 3 нафар фаластинликни отиб ташлашди. Бу ҳудудга фаластинликлар бир неча марта киришга уринишган.

Женин қочоқлар лагери ҳудудини эса Исроил солдатлари ҳалигача минадан тозалашяпти.

Вифлеемдаги черковга пистирма қўйган 200 нафар қуролланган фаластинликлар эса 14 кундан бери қамалда.

ЯПОНИЯ

Японияниг энг йирик ороли Хонсюга тегишли бўлган Аомори ҳудудида американинг Ф —16 қирувчи-бомбардимончи самолёти қулаб тушди. Бу самолёт АҚШнинг ВВС базасидан учган ва ҳалокатга двигател носозлиги сабаб бўлган.

ХИТОЙ

"Эйр Чайна" авиакомпаниясининг "Боинг — 767-200" самолёти Пекин-Кимхэ рейси билан учганди, қўнаётиб ҳалокатга учради.

Қуюқ туман натижасида самолёт 500 м. баландликдаги тепаликка бориб урилган ва портлаб кетган. Самолёт бортида 155 нафар йўловчи ва 11 нафар экипаж аъзолари бўлган. Маълумотларга

кўра, улардан ўн нафари тирик қолган. Йўловчиларнинг кўпчилиги Жанубий Корея фуқаролари бўлган. Қутқарув ишлари ҳалигача давом этмоқда.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» — 2002 РЕСПУБЛИКА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНИШИГА 8 КУН ҚОЛДИ

ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР ЯҚИН

Республика мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари очиладиган ҳаяжонли дақиқалар тобора яқинлашмоқда. Айни кунларда мазкур мусобақалар бўлиб ўтадиган Фарғона вилоятида "Умид ниҳоллари" мусобақасининг рамзий машъаласи тантанали равишда олиб ўтиладиган жойларда кенг микёсда қурилиш, ободонлаштириш ишлари авж паллага кирган. Шу кунларда вилоятнинг мусобақалар ўтказиладиган Фарғона, Тошлоқ, Қиргули туманлари, Фарғона ҳамда Марғилон шаҳарларидаги спорт иншоотларида ҳам сўнги тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Асосий баҳслар бўлиб ўтадиган "Нефтчи" марказий ўйингоҳи буткул янги қиёфа касб этмоқда. Қурилиш-таъмирлаш ишларига 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

"Умид ниҳоллари" — 2002нинг беш минг нафар ўқувчи қатнашадиган очилиш ва ёпилиш тантаналари 25 минг иштирокчига мўлжалланган "Нефтчи" спорт майдонида бўлиб ўтади.

Тошкент вилояти Паркент туманидаги "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш марказида ёндирилиб, Фарғона томон йўлга чиққан "Умид ниҳоллари" машъаласи Қамчиқ довонидан ошиб, сўнг спортчи-ўқувчилар қўлида 110 чақиримлик масофани босиб ўтиб, "Нефтчи" майдонига кириб боради. Спортнинг 11 тури бўйича бўлиб ўтадиган мусобақалар вилоятдаги 15 та қайта жиҳозланган спорт иншоотларида ўтказилади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти Кенгашида "Умид ниҳоллари" маркази ҳамда ОАВ ходимлари учун ахборот Маркази ташкил этилган бўлиб, улар кечаю-кундуз фаолият кўрсатишлари учун барча шароитлар яратилган. Бугунги кунда мусобақа иштирокчилари бўлган ўқувчиларнинг кундалик эҳтиёжига кетадиган барча сарф-харажатлар ҳамда уларнинг Фарғонага етиб келишлари масаласи ташкилотчилар ва мутасаддилар томонидан ижобий ҳал этилган. Унга кўра, Нукус — Марғилон ҳамда Термиз — Марғилон йўналишидаги махсус поездлар мусобақа иштирокчиларини Марғилон шоҳбекатига олиб боради ва улар автобусларда "Умид ниҳоллари" — 2002 манзилларига етказилади.

Ҳар йили уюштирилаётган "Универсиада", "Баркамол авлод" ўйинлари ва "Умид ниҳоллари" мусобақалари боис юртимиз шаҳарлари замонавий қиёфа касб этиб, спортимизнинг жаҳондаги нуфузи ҳам ошиб бормоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозим, "Умид ниҳоллари" — 2002 ғолибларини салмоқли совринлар ҳам кутмоқда. Биринчи ўринни эгаллаган жамоани мукофотлаш учун "Дамас" автомашинаси, 2-ўрин учун компьютер ва 3-ўринга нусха кўчириш аппарати ажратилган. Шунингдек, ҳар бир ғолиб иштирокчи "Умид ниҳоллари" — 2002 мусобақаларининг олтин, кумуш ва бронза медали билан тақдирланади.

Воҳид БОЙМУРОДОВ

JINOYAT JAZOSIZ QOLMAYDI

Йўл қўйилган қонунбузарликлар натижасида...

АРЗОННИНГ ШЎРВАСИ ТАТИМАС

ёки бозорда ёғ сотиб олаётганда унинг баҳосини эмас, сифатини ўйлаб кўрдингизми?

Баъзида шундай инсонлар ҳаётимизда учрайдики, улар ўз манфаати йўлида ҳар қандай нопокликдан қайтмайди. Мавжуд қонунларни писанд этмай, элу-халқдан уялмай, фақат ҳамённи ўйлаб, мўмай пул топишнинг қинғир йўлларини излаб топишади.

Келинг, яхшиси айрим ҳаётий мисолларга мурожаат этайлик. Жарқўрғон туманидаги "Жарқўрғон — Турон" тайёрлов савдо корхонаси бошлиғи Панжи Ярматов қўл остида меҳнат қилувчи ходимларга бошқа жиҳатдан "ўрнак" бўлди. Бўлмаса, жамоа раҳбари бўла туриб корхона ҳисобига келтирилган 4000 килограмм пахта ёғининг 900 килограммини сифатсиз кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари чайқови билан шуғулланадиган шерободлик икки "тадбиркор" шериги Олтибой Турдимуродов ва Мухтор Чориевларга ҳар бир килосини 850 сўмдан пуллаб юборармиди?

Туман солиқ инспексияси ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида корхонага етказилган 2648,0 минг сўмлик моддий зарар тўлиқ корхона хисобига ундирилиб, ўтказилган ҳужжатли тафтиш натижасида "Жарқўрғон — Турон" тайёрлов савдо корхонасидан давлат бюджетига қўшимча 1928,0 минг сўм молиявий жарима ҳисобланди ва ундириб олинди.

Йўл қўйилган қонунбузарликлар натижасида "Жарқўрғон — Турон" корхонаси бошлиғи П. Ярматовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-, 184-моддаларининг 3-қисми, корхона бош ҳисобчиси Алламурод Қудратовга эса 184-модданинг 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, қилмишига яраша жазо тайинланди.

Шунингдек, тумандаги "Сурхон" ширкатлар уюшмаси учинчи бўлимида яшовчи Илёс Раҳмонов ҳам "пихини ёрган"лар хилидан чиқиб қолди. У А. Мардаев билан жиноий тил бириктириб, унинг ҳовлисидаги ошхонада ҳеч қандай ҳужжатсиз пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқарадиган қўлбола мосламани ўрнатиб, мўмай даромад топишга ҳаракат қилишган. Аммо кўза кунда эмас, кунида синишини унутиб қўйган бу сохта тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари фуқаролар соғлиғига қанчалик катта хавф солишини билишса-да, текин даромад турганда бошқа нарсалар ҳақида ўйлашни хаёлига ҳам келтиришмаган. Бундай ноқонуний фаолият юритган мойжувоз эгалари А. Мардаев ва И. Раҳмоновлар ҳовлиси текширилганда 750 килограмм чигит, 800 килограмм кунжара ва бир дона қўлбола мойжувоз мосламаси далилий ашё сифатида тортиб олинди.

Шу ўринда бир фикр туғилади, кишида. Буларни чигит билан ким таъминлаб турибди? Ахир, бу хом-ашё бозорда сотилмаса, одамларнинг томорқасида етиштирилмасаки, уни сотиб олиб қайта ишлашаверса. Очиғи, пахтани қайта ишлаш корхоналарида айрим олғирлар бундай сохта мойжувозчилар тегирмонига "сув" қуйишмоқда. Оқибатда, битта жойда содир этилган ўғирлик, иккинчи жиноятнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Халқимизда қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади деган пурҳикмат нақл бор. Юқорида келтирилган ҳар икки фактдан ҳам маълумки, халқнинг ризқига, соғлиғига чанг ва хавф соладиган кишилар узоққа боролмайди. Шундай экан ҳар бир инсон ҳалол ва пок яшашнинг нақадар тотли эканини тушуниб етса қандай яхши. Афсуски, ҳали орамизда бу азалий ҳақиқатни унутиб қўйганлар ҳам учраб турибди.

Раим ҲАЙДАРОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси Жарқўрғон туман бўлими бошлиғи,
Чори ЖУМАҚУЛОВ,
«Turkiston» мухбири

Эрик ФИХТЕЛИУС

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЎН ҚОИДАСИ

(Давоми, боши ўтган сонларда)

Шарҳлаш

Журналистлик касбида воқеа, ҳодисаларни шарҳлаш муҳим ўрин тутади. Шарҳловчи бирор воқеани ёки фармон, қарорни шарҳлар экан, турли ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни, буларнинг замирида нималар борлигини очиб беради. Аммо шарҳлаш – журналистнинг шахсий фикри эмас, балки бу воқеа нима учун юз берганлигини тушунтиришга интилишдир. Эресун денгиз бўғзида кўприк қуриш керакми, йўқми, деган масалани журналист ҳал қилмайди, аммо журналист шунча норозиликларга қарамай, нима учун кўприк қурила бошлангани сабабларини халққа тушунтириши керак.

Аммо, репортёр воқеаларни таҳлил ва шарҳ қилаётганида шахсий изоҳлари билан воқеъликни "тўсиб" қўйиши мумкин. Баъзи шарҳловчилар ҳаётда қандай воқеа юз берди ва унинг сабаблари нимада эканлигини тушунтириш ўрнига, ҳаётда бу ишлар қандай бўлиши керак эди, деган фикрларни тақдим этишдан ўзини тия олмай қоладилар. Бундай вақтда меёрни сақлашнинг йўлларидан бири – муҳокама қилинаётган масаланинг мазмунидан четга чиқмасликдир.

Истиқболни кўриш

Қайси янгилик муҳимроқ? Хабарларнинг жуда катта оқимида ғарқ бўлиб кетмаслик учун нима қилиш керак? Кўпчилик журналистлар ўзи учун ва аудиторияси – тингловчилари учун нима муҳимлигини ўзлари аниқлашга уринадилар. Бирор жуғрофий ёки ижтимоий соҳада ишлаётган репортёр ҳар бир янгиликнинг ўзагини ва мавзуини ўзи топиши керак. У янгиликларни аввал билган баҳолаш усуллари билан чекланмай, кўпчилик учун муҳим воқеа, ҳодисалар ҳақидаги хабарларни излаб топиши керак.

Маҳаллий (бирор вилоятдаги) воқеаларни ёритувчи мухбир шу вилоят аҳолиси учун муҳим нарсалар нималар эканлигини билиши зарур. Бу ердагилар кўпроқ нимани муҳокама қиладилар, бу муҳокамалар сўнггида қандай муҳим қарорлар қабул қилиниши мумкин? Вилоят, шаҳар, тумандаги йирик корхоналарда иш қандай боряпти? Мактаблар учун ҳокимият ажратган маблағлар етарлими?

Мен сиёсий шарҳловчи бўлиб ишлаётган вақтларимда ҳар йили ҳали парламент иш бошламай туриб, Риксдаг бу йил қандай масалаларни муҳокама қилиши мумкинлигини билишга уринардим. Ечимини топмаган бир қанча масалалар ҳақида ўқиб, мулоҳаза қилиб, бошқалар билан бирга муҳокама қилиб, мавзуларим доирасини белгилаб олар эдим. Бир йили мен давлат бюджетининг дефицитини ўрганиш ва ёритиш билан шуғулландим, иккинчи йили Швециянинг Оврупо Иттифоқига кириши масаласи билан қизиқдим. Аҳолининг иш билан бандлиги (ишсизлар муаммоси), энергия таъминоти, ижтимоий суғурта – ўзим учун энг муҳим мавзулар доираси эди. Буларни аниқлаб олгач, мана шу йирик ва муҳим мавзуларни қандай қилиб қизиқарли ёритиш йўлларини изладим.

Бундай иш услубида – менинг тингловчиларим учун муайян вақт давомида, масалан, яқин ойларда қайси масалалар энг муҳим ҳисобланишини ўйлаб кўрдим, касбдошларимнинг шу ҳақдаги фикрларини сўрадим. Бу соҳада АҚШдаги Public jornalizm оқими публицистлари анча илгарилаб кетишган . У ердаги йирик нашриётлар, телестудиялар ва радиостанциялар тез-тез аҳоли билан анжуманлар, учрашувлар ташкил этиб турли масалалар ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганганлар.

Хуллас, биз оғир ва мураккаб,зерикарли лекин аҳоли тақдири учун муҳим мавзуларни танлаб олишимиз мумкин, аммо шу мавзуларни зерикарли қилиб ёритишимиз мумкин эмас. Энг моҳир журналистлар қийин, давлат бюджетидаги дефицит каби зерикарли мавзуни мароқли ва қизиқарли қилиб ёрита оладилар.

Янгиликларни баҳолаш

Журналистни кундалик ишида қийнайдиган нарса жуда кўп янгиликлар орасидан зарурларини танлаш ва баҳолашдир (тўғриси, аввал баҳоланиб, сўнг танланади). Баъзи таҳририятларнинг янгиликларни нотўғри танлаши танқид қилиб турилиши бежиз эмас. Китобимизнинг биринчи бобида биз ахборотларни қайси жиҳатларига қараб танланиши ҳақида сўз юритган эдик. Энди бу ишнинг мураккаблигини назарда тутиб, янгиликларни танлаш ва баҳолаш мезонларини баён қиламиз. Янгиликлар:

1.Якинда содир бўлган, "тандирдан янги узилган" бўлиши керак. Хабар қанчалик актуал-долзарб бўлса, шунча қизиқарлидир, воқеа бўлганига қанча узоқ вақт ўтган бўлса, қизиқарлилиги шунча камаяди. (Баъзи воқеалар узоқ вақт ўтганидан кейин ҳам қизиқарли бўлиб қолаверади, масалан, "Титаник" кемасининг ҳалокати кейинги асрларда ҳам барчани қизиқтиради – тарж.) Газета номери босилаётган вақтда олинган янгилик барчани қизиқтиради. Шу хабар кейинги сонда чиқса, унчалик қизиқтирмайди (бошқа газеталар ёки телерадиостудиялар эълон қилган бўлиши мумкин.) Шунинг учун бу энди иккинчи даражали янгилик бўлиб қолади.

2. Аввал маълум бўлмаган. Воқеа аввалроқ юз берган бўлса ҳам, ҳали кўпчилик, омма билмаса, уни эълон қилиш қизиқарлидир. Шу мезондан келиб чиқиб, узоқ вақтларда содир бўлган воқеалар, ёки уларнинг айрим тафсилотлари кенг жамоатчилик учун янгилик ҳисобланади. (Масалан, Наполеон Ватерлео жангида енгилиб қолганининг янги тафсилотлари , Марсда ҳаёт бор-йўқлиги ва ҳ.к.)

3. Аудитория (тингловчи, ўқувчилар) кўнглига якин мавзулар. Жуғрофий ёки маънавий жиҳатдан бизга яқин воқеалар узоқда юз берган воқеалардан кўра қизиқарлироқдир. Янгилик юз берган жойдан қанча "узоқлашса", аҳамияти камайиб боради. Масалан, ҳинд радиотингловчиси учун Болтиқ денгизида пассажирлар пароми фалокатга учраб, юзга яқин одамлар ҳалок бўлгани ҳақидаги хабардан кўра, Калькутта яқинида поезд фалокатида йигирма йўловчи ўлгани ҳақидаги хабар қизиқарли кўринади.

Ғаройиб, фавқулодда ходисалар. Тайёранинг эсон-омон ерга қўнгани янгилик эмас, унинг ҳалокатга учрагани ҳақидаги хабар – янгиликдир. Бир одамни ит тишлаб олгани – янгилик эмас, бир одам итни тишлаб олгани – янгилик бўлади. Баъзи воқеалар, (бахтсиз ходисалар) кўнгилсиз бўлса ҳам, барча учун қизиқарлидир.

"Тўхтов" янгиликлари. Биз атрофимиздаги оламда доимо ўзгаришлар юз бериб туришига катта эътибор берамиз. Аммо, баъзи корхоналар ишида ҳеч қандай ўзгариш йўқлиги, иш тўхтаб қолганлиги – муҳим янгилик бўлиши мумкин. Масалан, ҳар йили дарё, сой, анҳорларга кўплаб заҳарли оқаваларини чиқарадиган корхонада тозаловчи қурилма ишламай тўхтаб қолганлиги – у тузатилиб ишга тушгунича – муҳим янгилик бўлиб тураверади. Комиссия ишининг якунлари, хулосалари бўйича ҳеч иш қилинмаганлиги ҳам – эълон қилишга арзийдиган ахборотдир.

(Давоми)

Фарҳод РЎЗИЕВ ва Абдуқаюм ПАРДАЕВ таржимаси

ИНСОН БАХТЛИ БЎЛИШГА ҲАҚЛИ

«Turkiston» Кахвахонаси

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган Эркин Хушвақтовнинг "Қаллиқ ўйин"и спектаклини томоша қилдик. Ундаги бош ролни ижро этган Муқаддас Холиқованинг ижро маҳорати мени лол қолдирди.

Актриса телевидение ва театр сахнасида "Тухмат"да — Негр аёл, "Нажот истаб"да — кайнона, "Олтин девор"да — Шафоат, "Келинлар кўзғолони"да — Сотти, "Жар"да — Марина, "Хотинлар гапидан чиккан ҳангома"да — Халима, "Ўтган кунлар"да — Тўйбека, "Куёв"да — Асал кампир, "Пуч"да — Товусхон, "Катағон"да — Ҳанифа, "Семурғ"да — Паризод, "Ёрил тош"да — Ўгай она, "Сехрли апельсин"да — Дев хотин, "Боши котган ошиклар"да — Она, "Шайтон ва фаришта"да — Нафиса, "Энага"да — Салима, "Чимилдик"да — Хола, "Қаллиқ ўйин"да — Холбика каби серкирра образлар яратган.

— Аввало санъатга кириб келишим ёшларнинг тўгараги қошидаги уйида актёрлик, театр ва кино бўлимига қатнашишимдан бошланган. Бўлим раҳбаримиз Учқун Раҳмонов мендаги актёрлик санъатига бўлган қизиқишимни сезиб, институтга олиб келганлар. Тўгарак аъзоларидан ўн тўрт нафар ўқувчи ҳужжат топширганмиз, шулардан мен ва Луиза Қулабдуллаева иккаламизга омад кулиб боққан.

—Актриса бўлишингизга ота-онангиз қаршилик қилишмаганми? Ўзингизга маълум, актрисаларнинг ҳаёти жуда машаққатли.

— Падар бузрукворим тўққиз ёшимда қазо қилганлар. Дадам ўтганларидан сўнг оила ташвиши онамнинг зиммасига тушган. Онам пойафзал фабрикасида ишлар эдилар. Мени ўзлари билан бирга ишга олиб кетар, "иш ўргансанг, мактабни тугатгач шу ерга ишга келасан", дердилар. Бироқ онамнинг айтганлари бўлмади. Хуллас, санъат йўлини танлашимга қаршилик қилмаганлар. Ижро этган ролларимни ҳозирги кунгача кузатиб, камчиликларимни танқид қилиб турадилар. Онам менинг биринчи режиссёрим.

— Муқаддас опа, сахнадаги биринчи ролингиз?

— Мен институтда Лола Хўжаева қўлида таҳсил олганман. Ўқув сахнасида биринчи ролим "Меҳмонхона бекаси" спектаклидаги Бека роли, ундан кейин "Қонли тўй"да Она роллари эди. Катта саҳнада эса "Жар" спектаклидаги Марина образи бўлган.

— Саҳнага биринчи чиқишингизда ҳаяжонланганмисиз?

— Йўқ. Менда ҳаяжонланиш деган нарса бўлмаган. Биринчидан, устозларимдан олган сабоғим бўлса, иккинчидан, менда ҳар доим бир мақсад туради — у ҳам бўлса менга юклатилган вазифани аъло бажариш, қилган меҳнатларимни кўрсата олиш. Кўзлаган мақсадга эришиш ҳар доим шиорим бўлган.

— Ўзбек Миллий академик драма театрига дастлаб ишга келганингизда сизни қандай кутиб олишган?

— Театрга келган куним устозим Икрома Болтаева мени илиқ кутиб олганлар. Устозимни доимо ҳурмат билан ёдга оламан. Қоларса, менинг шу бугунги ютуқларга эришишимда Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов ва барча актёрларнинг хизматлари беқиёс.

— Муқаддас опа, "Қаллиқ ўйин" спектаклидаги Холбика образини жуда маромига етказиб ўйнагансиз. Холбика ролига бўлган муносабатингиз?

— Холбиканинг тақдири мен учун бегона эмас. У каби мен ҳам кеч турмуш қурганман, ҳаётнинг баланд-пастликларида мен ҳам қоқилганман.

Холбика образига бўлган муносабатим самимий. Унинг шу ёшгача турмушга чиқмай қариқиз бўлиб қолишига қўшни аёлларнинг миш-мишларию ғийбат гаплари сабаб бўлган. У ҳам барча қизлар қатори бахтли бўлишга ҳақли. Мен бу образнинг характерини қанчалик очиб бера олдим ё йўқ, билмадим, бу томошабинларга ҳавола.

— Сизга режиссёр хоҳлаган ролни берса ижро этиб кетаверасизми?

— Мен роль танламайман, лекин театрга ишга келганимга йигирма йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, ҳалигача Шекспирнинг "Қирол Лир"идаги катта қизи Гонрелья ролини ижро этгим келади. Бу менинг орзуим.

— Дублёрга муносабатингиз?

— Дублёрга муносабатим ижобий. Мен у орқали ўз камчиликларимни кўра оламан.

— Касбингизга турмуш ўртоғингизнинг муносабати қандай?

— Турмуш ўртоғим санъатимни, касбимни жуда яхши тушунадилар ва қадрлайдилар. Бунга бир мисол: бир куни қизим сариқ касал бўлиб қолди, шифохонага тушдик. Касали жуда оғир эди, кўнглимизга ҳеч нарса сиғмасди. Театрда эса навбатдаги премьерада бир эпизодда рол ўйнашим керак эди. Театрдан уйга телефон қилишиб, мени сўраганларида, хўжайиним "у премьерага албатта боради", деб жавоб бериб юборибдилар. Шифохонага келиб "Муқаддас, театрга боринг, премьерангиз бор экан, болага ўзим қарайман", дедилар. "Ҳозир театр кўнглимга сиғмайди", десам ҳам ҳоли жонимга қўймай, мени жўнатганлар. Бунга яна бир мисол, тўйимиз куни ЗАГСга мени спектаклдан сўнг, карнай-сурнайлар билан олиб чиқиб кетганлар.

— Ҳаётда қайси мақолга амал қиласиз?

— Марҳум санъаткоримиз Сора Эшонтўраева яратган "Она" образида шундай сўзлар бор: "Ғоз туриб олға интил". Мана шу сўзга амал қиламан.

— Ҳаётда кечиримлимисиз ёки аксинча?

— Мен кек сақлашни ёмон кўраман. Биласизми, ичимда қарама-қарши икки одам борга ўхшайди. Касбдошларим билан иш юзасидан гап талашиб қолган вақтларимда ҳам эртаси куниёқ келиб гапириб кетавераман. Тортишиб қолганим ёдимдан чиқиб кетади. Бирортасини ранжитиб қўйсам, бир неча кун сиқилиб юраман.

— Дейлик, режиссёр ёки ёзувчи бўлганингизда қайси мавзуларни кўтариб чиққан бўлар эдингиз?

— Агар шундай бўлганда ёшлар тарбиясига оид ҳамда оналар сиймосини гавдалантирадиган саҳна асарларини яратган бўлардим.

— Ёшларга муносабатингиз?

— Ҳозирги ёшлар учун ҳамма шароит яратилган. Бизнинг даврда бош ролларни унчамунча актёрларга беришмасди. Йиллаб эпизодик ролларни ўйнардик. Ҳозирги ёшлар эса бош ролларни ўйнашга тезда эришаяптилар. Мен бу гапларни қувонч ва ҳавас билан айтаяпман.

Мен Муқаддас Холиқова билан суҳбатлашганимда унинг ўзига хос камтарин, камсуқум, очиқ кўнгил, оддий инсон эканликларини ҳис этдим. Актриса шу фазилатларини ўз қаҳрамонларига ҳам сингдира олган. У ижро этган ҳар бир роль халққа манзур бўлишининг асл сабаби ҳам ана шунда.

Муҳаррам ЁҚУБЖОНОВА

YOSHLIK BAHSLARI

Номусни ёшликдан эҳтиёт қил

ИЖАРАГА ОЛИНГАН «КУЁВ»

Назокатнинг никоҳ кечасида юз берган аянчли воқеани эшитиб ёқамни ушладим.

Назокат институтда ўқиб юриб, бир йигит билан танишиб қолади. Анча пайтгача учрашиб, гаплашиб юришади. Бир куни Назокат йигитга тезроқ тўй қилиш керак-лигини айтади. Йигит эса тўй ўтказишга ҳали имкони йўқлигини тушунтиради. "Ундай бўлса, тўй бизникида бўлаверади, онамга бор гапни айтсам тушунадилар...", дейди Назокат.

"Назокатга сен уйингга бориб тайёргарчилигингни кўравер, мен бир ҳафтадан сўнг одам жўнатаман, ана ўшанда тўй кунини ҳам белгилаб келишади, дейди йигит ишонтириб.

Назокат онасига минг истиҳола билан тушунтиради. Онаси аввалига Назокатни кўп қойийди. "Отангнинг йўқлиги сени ўзбошимча қилиб қўйди. Отанг бўлганида балки, сен бундай номаъқул ишларни қилиб юрмасмидинг. Мен бир ожиз аёл бўлсам, қўлимдан нима ҳам келарди. Олдингга тез-тез бориб турмасам ҳам, ҳеч кимдан кам бўлмаслигинг учун ҳаракат қилдим. Сен эса нима ишлар қилиб қўйдинг!"

Она барибир она-да, анча йиғи-сиғидан сўнг, қизининг қилмишини оқламасада, элу-халқ олдида шарманда бўлишдан қўрқиб, тўй қилиб беришга рози бўлади. Бу орада йигит юборган одамлар ҳам келишади. Назокатнинг акаси ҳамма харажатларни ўз бўйнига олади. Совчилар тўй кунини белгилаб, жўнаб кетишади. Назокат ўзида йўқ хурсанд, ўзини қўярга жой тополмасди. Лекин унинг бу хурсандчилиги узоққа бормаслигини, оқибати нима билан тугашини у қаердан билсин.

Тўйга таклифномалар тарқатилади.

— Нега тўйни сиз қилиб беряпсиз? — деган саволларга Назокатнинг онаси осонгина жавоб беради:

—Ўзи ёлғиз қизим бўлса, уни тўйини қилиб бермасам, кимникини қиламан деб жавоб беради. Тўй учун ҳамма нарсалар тахт. Қариндош-уруғлар, меҳмонлар-мезбонларнинг ҳаммаси йиғилган. Санъаткорлар навбат кутиб туришади. Аммо меҳмон — куёв ҳали келгани йўқ. Она-бола бу вазиятдан чиқиб кетишни излай бошлашади. Тўйга йиғилганлар олдида шарманда бўлишдан қўрққан она, ижарага куёв олишни таклиф қилади. Назокат ҳам иложсиз рози бўлади. Бир йигитни топиб, унга куёв бўлиб туриши учун 25 000 сўм ваъда қилишади. Тўй авжида, ўйин кулгу, ҳамма шод. Лекин Назокатнинг ичига чироқ ёқса, ёришмасди. Тўй охирлаб қолган бир пайтда ижарага олинган куёвнинг онаси бор гапдан хабар топиб, тўс-тўпалон қилиб келиб қолади.

— Ўғлимни устидан кулишга йўл қўймайман. Эртага одамлар нима дейди? Бу йигит уйланган деб ҳеч ким қизини бермай қўяди. Куёвларингга ишонч йўқ экан, нима қилардиларинг тўй бошлаб.

Назокатнинг онаси қанчалик ялиниб ёлворишига қарамай, аёл ўғлини тўйдан олиб чиқиб кетади. Бундан тўйда иштирок этаётган барча хабар топади. "Куёв ижарага олинган экан" деган гап-сўзлар эса шамолдай тез тарқаб кетади. Яқинлар, хола ва тоғалар тўйдан чиқиб кетишади. Кўп қадрдонлар шу воқеа сабаб Назокатлар оиласи билан борди-келдини тўхтатишади. Бу воқеа анча вақтгача эл оғзида юради.

Она-боланинг яхшилик истаб яширинча қилган ишлари ҳаммага аён бўлади.

Шу боис айтмоқчиманки, қизлар ҳар бир қадамни ўйлаб босмоғи керак. Ахир, юқоридаги каби воқеалар афсона эмас-ку!?

Гулистон СОДИҚОВА,
талаба

ТЕННИС ЎЙИНИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Спорт ўйинларидан юртимизда кенг тарқалганларидан бири теннис ҳисобланади. Аслида теннисниг тарихи унчалик узоқ эмас. Гап шундаки, теннис ўйини илк маротаба 1873 йили Британияда бошланиб, у Валтер Вингфелд номи билан боғлиқдир. Айнан ўша йилда бу ўйинни оммага британиялик офицер ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар билан синаб кўради. Синов муваффақиятли ўтгач, офицер бу ўйинни Валездаги Нанталвуд истироҳат боғида кенг намойиш қилиб мухлислар орттиради. Кейинчалик махсус теннис кортлари ҳам барпо этилиб, унинг ҳажми — бўйига 18,2 метр, марказий ва ўрта чизиқлари 6,2 метрдан бўлган.

1874 йилда теннис тезлик билан АҚШда ҳам ёйилиб кетади. Бу ўйинни у ерга биринчи бўлиб Мери Отербридж ва Жайлик Вилар олиб келиб таништирган эди. Французлар эса теннис ўйинини 1924 йилдан бошлаб ўйнай бошлайди.

Бугун биз бемалол айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон ҳам ҳақиқий теннисчилар юртига айланиб бормоқда.

Рустам СУЛАЙМОНОВ

Теннис устаси — Евгений Кафельников

TUHFA

КЎКДА ТЎЛИН ОЙ БЎЛСА

"2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилиниши бежиз эмас. Бизнинг қарияларимиз ҳақиқатдан қадрланишга лойиқ. Чунки улар "биз энди қаридик", дея қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ, ҳар соҳада фаол. Фахрий ижодкор — Тўра Жуманнинг мазкур ғазалларини ўқиб, ўзингиз ҳам бунга гувоҳ бўласиз.

ҚАЛАМ ҚОШЛАР МАКОНИ

Осмонимиз парилар — қалам қошлар макони,
Яна сони кўп юлдуз, ой, қуёшлар макони.
Мехрлилар бор жойда шод бўласан, иш унар,
Худбинлик авж олган жой бағри тошлар макони.
Хиёбонлар кезишга, хордиқ олишга қулай,
Мактаб билим даргоҳи, яъни ёшлар макони.
Бир-биридан зиёда шаҳарлар бор ўлкамда,
Гўзал Фарғона, Тўра, ширин ошлар макони.

БАХТЛИ ЙЎЛ БЎЛМАС

Тинмай томгани билан томчилардан сел бўлмас,
Қанча ҳурмат қилсанг-да душман сенга эл бўлмас.
Зиндон деса бўлади бадқовоқнинг қалбини,
Қишда баҳордагидек хур-хур эсган ел бўлмас.
Бахилни юз марталаб сийлаш фойда бермайди,
У бир марта сийламас, хасис очиқ қўл бўлмас.
Ҳар ким қилар ўзига, эканини ўради,
Ёмонларга ҳеч қачон, Тўра, бахтли йўл бўлмас.

УМРИ ДОИМО БАҲОР

Бировлар гуноҳини кечиришда лаззат бор,
Кечирмасдан ўч олган бадхулқ кимса бўлар хор.
Дўст дўстнинг ойнасидир, сал нарсага уришса,
Ундай жаҳли тез киши бўлиб қолар дўстга зор.
Муҳаббати йўқларда бордир макр, хийлалар,
Муғомбирлар ҳеч қачон бўлган эмас бахтиёр.
Тўра, муҳаббатлилар даврон сурар нуқсонсиз,
Хазонликни кўрмасдан умри ҳамиша баҳор.

ЭНГ ЯХШИ ЙЎЛ

Энг яхши йўл, дўстларим, мискинларни севишдир,
Таъма қилмай бировдан, ҳалол топиб ейишдир.
Омонатга ўзганинг кийимини киймасдан,
Қирқ ямоқли бўлса-да, ўз кийиминг кийишдир.
Нияти бузуқ бир кун чуқур чоҳга қулайди,
Миннат эшитмай яшаш, ўз нафсини тийишдир.
Энг яхши йўл зиёнли йўлдан юрмасдан, Тўра,
Халққа фойда берувчи иш кетидан қувишдир.

БЎЛСА

Тун чиройли кўринар кўкда тўлин ой бўлса,
Тоғ чиройли кўринар суви оққан сой бўлса.
Баҳор гўзал кўринар кўй, кўзилар маъраши,
Бир ёнда кишнаган от, йилқилар ва той бўлса.
Одамнинг энг ёмони ақлсиз, бадфеъллари,
Ҳаммага ёқар аниқ ким ақлга бой бўлса.
Кўркам, сўлим манзара ижодга қулай, лекин
Тўрага энг яхшидир иш қайнаган жой бўлса.

БЎЛИШИ АНИҚ

Булутлар қуюқлашса чақмоқ бўлиши аниқ,
Тарбиясиз болалар аҳмоқ бўлиши аниқ.
Чуқур ғорларда илон, вайронада бойўғли,
Тоғларда ўрмон, жилға, сўқмоқ бўлиши аниқ.
Гапи бемазалардан тезроқ узоқлаш, Тўра,
Қўпол сўзлар ичида тўқмоқ бўлиши аниқ.

ОДАМИЙЛИК, САХИЙЛИК

Кўп ишларни амалга оширди мустақиллик,
Қарор топди мустаҳкам бирлик, дўстлик, аҳиллик.
Соғлом муҳитда соғлом бўлди маънавиятлар,
Кўпайди мардлик, поклик, одамийлик, сахийлик.
Кўпайди лицей, коллеж — илмда турли соҳа,
Камайди кўролмаслик, дангасалик, бахиллик.
Ватанни гуллатганнинг бахти гуллайди, Тўра,
Кўпайди меҳр-шафқат, яхшиликда ҳар хиллик.

САФАР ҲАҚИДА

Сафар кўп нарсалардан хабардор қилувчидир,
Бўшашган танимизга куч-мадор қилувчидир.
Жонга кўзғалиш бериб, чиройимизни очиб,
Ҳаёт ва умримизни навбаҳор қилувчидир.
Бир жойда ётган бўйра, юрган эса дарёдир,
Яхшилар суҳбатига сазовор қилувчидир.
Оғир иш сафардан сўнг енгилдек туюлади,
Тўра, сафар кишини бахтиёр қилувчидир.

ГУЛЛАЁТГАН ДАРАХТЛАР

Ўқишни битирганлар гуллаган дарахт мисол,
Баъзиси ҳосил берар, меваси гўёки бол.
Баъзиси мева тугмай гуллаганча қолади,
Барча-барча гулини учириб кетар шамол.
Билимини ишлатиб, ўрин топса ким агар,
Назарга тушиб бир кун у топади бахт-иқбол.
Тўра, ҳаётда ўрнин топмаганнинг билими
Унитилар шубҳасиз, бари бўлади увол.

ҲАРАКАТДА

Ҳаракат қил, биродар, қушлар ҳам ҳаракатда,
Қурилиш қизғин жойда ғиштлар ҳам ҳаракатда.
Кимки бўлса дангаса, ҳеч эътибор топмайди,
Қолмайин деб ортда тенг- тўшлар ҳам ҳаракатда.
Ҳаракатда — баракат, буни яхши биласан,
Дўст, ошнолар, қариндош, хешлар ҳам ҳаракатда.

Тўра ЖУМАН

Қадаминг қутлуғ бўлсин, келинчак!

«ЭЛЕКТРОН РОБОТ ПОЛВОН» МОДЕЛИНИ ЯСАШ

Ушбу ўйинчоқ модели ўзига яраша фантазияларга бой ва ҳозирги замон конструкциясини ўз ичига олган бўлиб, ташқи қиёфаси одамни эслатади.

Электрон робот полвоннинг фақат қўли билан боши ҳаракатланади. Ҳаракатланувчи конструкция усулларини ўзгартириш натижасида оёқларини ҳам ҳаракатга келтириш мумкин.

Робот полвон моделини ясаш учун энг зарур материал — бу қоғоз ва картон ҳисобланади.

Моделнинг кўзларини жойлаштириш учун лампочкалар ўрнатилади. Бел қисмига электрон блок жойлаштирилади. Бу блок товуш ва ўчиб-ёниш вақтида электр токи билан озиқлантириб турилади, экранни ёритишда белнинг олдинги қисмида ўрнатилган блок ёрдамида ҳаракатлантирилади.

Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази



А. ҲАКИМОВ
чизган расмлар

MAKTUBLARIM

Мен сизни соғинаман...

СИЗНИ ЯНА УЧРАТСАМ

Севги шундай кучга эгаки, тикандан гул ясайди.

Азизим, иккимизнинг оташин юрагимиздаги севги бир-биримизга интизор, шуни сезасизми? Мен бундай оташин севгига малика бўлмоқни истаган эдим. Сиз қалбимга кирдингиз-у, менинг севгим нимага арзишини, бу туйғу орқали кимни ҳурмат қилишимни ва нимагадир интилиб яшашим керак-лигини ўргандим.

Мен сизни соғинаман...

Ҳамон ўша менга айтган сўзларингиз: "Бунча овозингиз жарангдор" кулоғим остида, ҳар доим такрор-такрор янграйди.

Мана, сизни кўрмаганимга ҳам бир неча ой бўлибди. Нахот, сизни хафа қилиб қўйган бўлсам. Нахот, ҳаёт ҳақиқатлари иккимизни бир-биримиздан узоқлаштириб юбораётган бўлса, буни сезмадингизми?

Сизнинг чехрангиз кечагидек ёдимда. Лекин сиз ўйламайсиз ёки севмайсиз. Аниқроғи, кўнглингизда менга бўлган муҳаббат туғёнлари мавж урмабдимикан, нахот англаб етмайсиз. Фақат мен сизни ўйлайман, ўйлайман-у, хаёл мени ўз гирдобига тортиб кетади. Бу гирдобда бир нуқтага термулган ҳолда ўйга чўмаман.

Нахотки, ўша йигитни севиб қолган бўлсам, нахотки кўнглимни бутунлай унинг муҳаббати эгаллаб олган бўлса, мен муҳаббат кўчасига кириб қолганимни сездим.

Ҳамон қўнғироқ қиламан, аммо сиз йўқсиз. Сўнги қўнғироғим эсингиздами? Мендан ўзингизга нисбатан фикрларимни сўраган эдингиз, ўшанда илк бор ҳаяжонлангандим.

Сизни қанчалик севишимни билсангиз эди. Лекин сизга қандай мурожаат қилишимни билмайман. Бу одоб-ахлоққа тўғри келмас.

Майли, севгилим бўлмассиз, лекин юрагимда сизга бўлган муҳаббатимни сўндирманг.

Муҳаббат фақат севгидан иборат эмас-ку, дўстларга муҳаббат, яъни жамики яхши кўрган, меҳр қўйган кишисига муҳаббат кўнгилда пайдо бўлади-ку.

Сизни соғинаман. Исмингиз жисмимга ўрнашиб қолган. Ишончим ва севгимни сўндирмасликка ҳаракат қиламан. Қанийди, сизни яна бир бор учратсам!

НИЛУФАРБОНУ,
талаба

СКАНВОРД

Ун / Овқат	→				Танга	→				Канал
↓		→	Ранг / Ўрта				→	Модда / Ғалтак		↓
			↓			→	Курсатув / Ота	→	↓	
	↓					Компьютер тармоғи / Бино		↑ →	... ва Ахрамон / Душман	
	Дунё					→	Ер тури	Боғловчи / Инкор	→	
Нота	→		Ўқиш / Наҳанг	← ↓						
			↑ →	Ҳамир / ... упа	↑				←	Далил
	←	Ишонч / Нота / Жавоҳир	↓	→	Содда / ..Манш				→	.... Ва Дикар / Металь
	↓			→	Сеҳр			← ↑	Тери / Иргит	↓
↓	Бахшида			→	Ака / Зўр	→ ↓	↑	Панжа / Ҳайвон	←	↑
Ҳинд ҳокими						Ёлвориш / От-...	Кофе / Рақам	←		

Тузувчи Рустам СУЛАЙМОНОВ

Газетанинг навбатдаги сони 20 апрель, шанба куни чиқади.

КУЛГИ БЕКАТИ

Бир одам соатсозга соатини тузаттириб қараса, соати юрмаётган эмиш.У соатсознинг олдига қайтиб бориб, ғазаб билан дебди:

— Соат бутунлай тўхтаб қолибди. Сиз уни бутунлай бузиб қўйибсиз-ку !

— Ҳечам-да! Мен унга қўлимни ҳам теккизганим йўқ.

* * *

— Сени нима учун қамашди?

— Хотинимни ташлаганим учун.

— Қўйсанг-чи, мен беш марта ташлаганман, ҳеч қамалмаганман.

— Нечанчи қаватдан ташлагансиз?!

* * *

—Нега бунчалик қиммат,- сўради бемор тиш дўхтиридан. — Одатдаги тўловдан икки баравар кўп-ку.

— Биламан, лекин сиз қичқириб, иккита мижозни қўрқитиб юбордингиз ва улар кетиб қолишди.

* * *

Ўқитувчи дарсга келиб:

— Ким нодон бўлса, тик туради, — деди. Бироздан сўнг Латифжон турди.

— Ҳа. Латифжон, сен нодонмисан?

— Менга ноқулай, чунки сиз тик турибсиз.

Холхўжа БАДИЕВ тўплади

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани "Ҳабибулла Ҳикматилла ўғли" хусусий фирмасининг юмалоқ муҳри ва тўртбурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ЧП "Сагатов Б.Т"га берилган юмалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянное регистрационное удостоверение за № 1013319 выданное хокимиятом Юнусабадского района на имя Назаровой Назокат Тошпулатовны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Turkiston
МУАССИС: «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга топшириш вақти-21.00
Топширилди 21.00

1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдураҳмон ЖУМАЕВ

Вилоят мухбирлари:
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизда: 8-37-622 —3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорода: 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Гулистонда: 8-36-72 — 24-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — Фарғонада: 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандда: 8-36-62 —34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчда: 8-362-22 — 7-45-
Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 133-95-97, Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навбатчи муҳаррир: Хуршидбек РЎЗИЕВ
Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ